41 (593)-сон

— 177 —

550-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

550 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қушимча киритиш туррисида (Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти сохасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари туррисида» ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳаҳида» 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофик айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 8 октябрь, 276-сон


> Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 октябрдаги 276-сон қарорига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қушимча

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 10-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги низомнинг 14-бандида:

йигирма бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«қонунчиликка мувофиқ ўт сочар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, кучли таъсир этувчи захарли моддаларни сотиб олиш, сақлаш, наркотик ва радиоактив моддаларни ташиш, ўқ отиш тирлари ва отишма жой-





550-модда

ларини, қурол-яроғларни тузатиш ва пиротехника корхоналари, ов ва спорт қуроллари билан савдо қилувчи дуконларни очишни ва уларнинг ишлашини назорат қилиб боради»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин;

«қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни амалга оширади».

- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости сувларидан фойдаланишни тартибга солиш, уларни ифлосланишдан ҳамда камайиб кетишдан муҳофаза ҳилишни кучайтириш чора-тадбирлари тӱрисида» 1992 йил 8 апрелдаги 179-сон ҳарорининг ӱзбек тили матнидаги 5-банди ӱз кучини йӱҳотган деб ҳисоблансин.
- 3. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 декабрдаги 449-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 12-сон, 47-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси тургрисидаги низом 7-бандининг ун иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«уруғларни, ўсимликлар ва бошқа ўсимлик махсулотларини импорт қилишга, шунингдек республика худуди орқали транзит буйича олиб утиладиган таркибида уруғлар, ўсимликлар ва ўсимлик махсулотлари булган юкларга карантин рухсатномалари беради».

- 4. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 декабрдаги 553-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хужалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази турупсидаги низом 12-бандининг саккизинчи хатбошидаги «импорт»сузи чиқариб ташлансин.
- 5. Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан бериладиган рухсатномалар буйича экспорт ва импорт қилинадиган махсус товарлар (ишлар, хизматлар) руйхатининг 8-банди ўз кучини йуқотган деб хисоблансин.
- 6. Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси худудида Радиоэлектрон воситаларни ва юқори частотали қурилмаларни сотиб олиш (бериш), лойихалаштириш, қуриш (ўрнатиш), фойдаланиш, сотиш ва уларни чет эллардан олиб келиш тартиби тўгрисидаги низомнинг 5-банди ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
- 7. Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Йул ҳаракати қоидаларининг 26.5-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
- «26.5. Оғир, катта ўлчамли ёки ўта хавфли юкларни ташиш учун тасарруфида автомобиль йўллари бўлган юридик шахсларнинг хамда ички ишлар органларининг рухсатномаси талаб қилинади».
 - 8. Вазирлар Махкамасининг «Биология ресурсларидан оқилона фойда-



ланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўгрисида» 2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 102-молда):

- а) 1-илова 21-банднинг еттинчи хатбошидаги «импорт» сузи чиқариб ташлансин:
- б) 2-илованинг 33-бандидаги «шунингдек жўнатиш ва ташиш» сўзлари чиқариб ташлансин.
- 9. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 232-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 11-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Саноат учун аҳамиятини йӱқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-кидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг ҳисобидан чи-қариш тартиби тўгрисидаги низом 8-банди «г» кичик бандининг бешинчи хатбошидаги «ва маълумотномаси» сўзлари чиқариб ташлансин.
- 10. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорлари 29-бандининг «Шакллантириш манбаи» устунидаги «импорт қилишга» сўзларидан кейинги «импорт» сўзи чиқариб ташлансин.
- 11. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июндаги 165-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қумитаси турисидаги низом 6-бандининг уттиз туртинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланиш учун қудуқларни» сузлари «сув қудуқлари» сузлари билан алмаштирилсин.